

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №1

ЛОТ № 151300

«26» сентябрь 2022 й.

Бухоро ш.

“Вахриддин Шермухаммад” МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Садуллаев Б. (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва (корхона, ташкilot, муассаса номи), Бухоро вилоят «Исиклик манбаи» ДУК (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор Б.Б.Рахимов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Бухоро вилоят «Исиклик манбаи» ДУК қозонхоналарини тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан мукамал таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 224 205 000 (Икки юз йигирма тўрт миллион икки юз беш минг) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 224 205 000 (Икки юз йигирма тўрт миллион икки юз беш минг) сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши: Шартнома умумий суммасидан 15% аванс кўчгандан сўнг.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» декабрь 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомат ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТўЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 224 205 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 15 % ёки 33 630 000,00 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 190 575 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 85 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 224 205 000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкilotларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;

-кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;

-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан ҳужалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“Baxriddin Shermuhammad” МЧЖ

манзили Бухоро тум.

тел\факс +99890 718-77-86

х/р 20208000700484078001

банк номи Микрокредит банк

Бухоро филиали

МФО 00109 ИНН 303403634

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилоят «Иссиклик манбаи» ДУК

манзили Бухоро ш. И.Каримов куч 27/1

тел\факс 223-77-41, 223-27-76

х/р 20210000500309402001

ОКОНХ 90215 ИНН 201 429 115

Раҳбар _____ Б.Садуллаев

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Директор _____ Б.Б.Рахимов

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.): _____

Лицензия (диплом) № _____ ва берилган санаси: _____